

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

В данной статье актуализируются вопросы формирования и изучения структурных элементов инновационного потенциала современных предприятий, в частности предприятий автомобильного транспорта. Предложена общая методика и группа показателей количественной оценки инновационного потенциала автотранспортных предприятий на основе измерения его базовых элементов.

In the given article actualized questions of formation and studying of structural elements of innovative potential of the modern enterprises, in particular the motor transport enterprises. Offered general techniques and groups of indicators of a quantitative estimation of innovative potential of the motor transportation enterprises on the basis of measurement of its base elements.

**Калим сўзлар:** инновацион салоҳият, инновацион салоҳиятни баҳолаши, Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳияти, инновацион салоҳиятини ўлчаши, кадрлар салоҳияти, ишлаб чиқарии салоҳияти, инвестицион салоҳияти.

Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш стратегияси йўналиши ва механизмларини аниқлашда инновацион имкониятлар ҳолати ва унинг “кувватлари”ни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Транспорт тизими миллий иқтисодиётнинг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири ҳисобланиб, унинг инновацион салоҳиятига жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасига таъсир этувчи восита сифатида қарашимиз мумкин.

Бошқача айтганда инновацион салоҳиятни маълум бир даражада иқтисодий ривожланишнинг базаси, суръатлари ва йўналишининг ўлчов мезони, деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, Республикаиздаги транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларни етарли даражада қондириш ва халқаро юкларни автомобиль транспортида ташуви бугунги кунда иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз 2015-2019 йилларда муҳандислик - коммуникация ва йўл – транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш борасидаги сай-ҳаракатлар қисқа вақт ичида ўз натижасини кўрсатиб, 2016 йилнинг биринчи чорагида автомобиль транспорт хизматлари улуши 15.7 фоизга кўпайди[1].

Ушбу йўл – транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастури автомобиль транспорти корхоналарида модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом этириш, ҳаракатдаги таркиби янгилаш ва инновацион фаолиятни ташкил қилиш масалаларини қамраб олади.

Муросасиз рақобат шароитида транспорт корхоналарининг инновацион

фаолиятидан самарали фойдаланиши бир томондан бозорда яшовчанлик қобилиятыни, иккинчи томондан эса унинг инновацион салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Бинобарин, автомобиль транспорти корхоналари инновацион фаолиятни ташкил этишда инновацион салоҳиятни тадқиқ этмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун бугунги кунда замонавий корхоналарнинг, жумладан автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва таркибий тузилишини ўрганиш юзасидан тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Умуман олганда корхонанинг инновацион салоҳияти—бу корхонанинг инновацион ғоялардан янгиликлар яратиши ва ўша янгиликларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятыни ифодаловчи хусусиятлар мажмуи ҳисобланади.

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланишини белгиловчи омилларидан бири инновацион таъминот ҳисобланиб, унинг намоён бўлишини қуидагича изоҳлаш мумкин:

1. Кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришни юқори технологиялар асосида ривожлантириш, инвестицияларни инновацион фаолият асосида амалга ошириш, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини ўзгаришга сафарбар этишни талаб этади. Бунга базис инновацияларидан фойдаланиш даражаси, деб қараш мумкин;

2. Базис инновациялардан фойдаланиш техника ва технологияларининг янги авлодини қўллашга боғлиқ бўлиб, инновацион ривожланишнинг кейинги босқичига ўтишга замин яратা олиши зарур.

Ушбу мулоҳазалар, инновацион салоҳиятни иқтисодий категория сифатида методологик муаммоларни ишлаб чиқиши замонавий иқтисодиёт назариясининг муҳим йўналишларидан бири эканлигидан далолат бериб, бугунги кунда у замонавий иқтисодий тизимлари (корхона, тармоқ, ҳудуднинг) мавжуд бўлиши ва ривожланишининг фундаментал асоси сифатида эътироф этилмоқда [2].

Бунда, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш ва таркибий тузилишини тадқиқ қилиш каби масалалар биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган илмий муаммолар сарасига киради. Ўз навбатида инновацион салоҳият корхоналарнинг рақобатдошлиги ва рақобат устунлигини яратувчи ички муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда инновациялар бозорининг жозибадорлигини характерловчи ташки омиллар билан белгиланади.

Кескин рақобат шароитида транспорт хизматлари кўрсатишнинг сифат устунлигига эришиш автомобиль транспорти корхонасини ривожлантириш стратегияси ва тактикасининг инновацион йўналтирилганлигига боғлиқ бўлади [3]. Бу эса автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва қўламининг зарур даражасини таъминлашни талаб этади.

Инновацион салоҳиятни баҳолашнинг 2 та муҳим жиҳатига эътибор қаратишни мақсадга мувофик, деб топдик. Булар:

- биринчидан, баҳолашда, энг аввало, инновацион салоҳиятнинг ҳар бир таркибий қисмини алоҳида эмас, балки тизимли кўриб чиқиш талаб этилади.

Фақат ягона тизимдаги ўзаро таъсирлар натижасида автомобиль транспорти корхоналари инновацион салоҳиятининг таркибий компонентлари юқори снергетик самарага эришиш имконини беради;

- иккинчидан, инновацион салоҳият нафақат тўпланган ресурслар ҳажми балки, уларнинг сифати, таркиби, ташкил этувчиларнинг мувозанатланганлик даражаси ва фойдаланиш самарадорлиги билан ҳам характерланади. Ресурсларнинг сифат таркибини яхшилаш мавжуд инновацион салоҳиятни уларнинг миқдори ортмаган ҳолда ўсишини таъминлайди.

Автомобиль транспорт корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона инновацион салоҳиятини шакллантиришнинг услугий асослари;
- инновацион салоҳиятини амалга ошириш механизмлари;
- инновацион салоҳиятини ривожлантириш стратегиясидан иборат.

Инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг услугий асосларини:

- инновацион салоҳиятнинг таянч параметрларини аниқлаш;
- уни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- инновацион салоҳиятни амалга оширишнинг кўлай ташқи шароитларини шакллантириш бўйича илмий-услубий ёндашувлар ташкил этади.

Ходимлар салоҳияти ҳамда ташишда қўлланилаётган илфор техника ва технологиялар салмоғига инновацион салоҳиятнинг таянч параметрлари сифатида қараш мумкин.

Инновацион салоҳиятни шакллантириш стратегияси биринчи навбатда инновацияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, фойдаланиш ва уни рўёбга чиқариш орқали корхонанинг умумий салоҳияти ўсишига хизмат қиласди.

Инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш шароитларини шакллантиришга услугий ёндашувлар эса инновацион фаолиятни амалга оширишнинг келажакдаги фазаларини аниқлаш ва баҳолаш имконини бериши лозим.

Ҳар қандай инновация жараёнларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили сифатида инсон омили юзага чиқар экан, инновацион фаолиятни ташкил этишда кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг қуйидаги шартларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сезувчанлик шартиқабул қилинаётган ахборотни сезиш ва инновацион ечимларга айлантириш қобилияти;
- мавжуд кадрлар салоҳиятининг айнан автомобиль транспорти корхоналарини инновацион ривожлантириш параметрларига мувофиқлиги;
- транспорт хизмати кўрсатиш, ҳаракатдаги таркиб, ташиш ва техник хизмат кўрсатиш технологиялари, бошқарув тизими ҳамда бошқа кўринишдаги инновацион натижага эришишнинг юқори эҳтимоллик шартлари;
- ривожланиш шарти – инновацион ғояни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш тизимида инновацион салоҳиятдан фойдаланишнинг кейинги ва охирги босқичига ўтиш имконияти билан характерланади;
- молиявий захира яратиш шарти – кадрлар салоҳиятидан фойдаланишга сарфланиши мумкин бўлган қўшимча харажатларни назарда тутади;

- инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик шарти.

Ушбу мақоламизда кўриб ўтилаётган автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятини шакллантиришга бўлган услубий ёндашувда корхонанинг умумий стратегиясини ресурс салоҳияти билан боғлашни талаб этувчи инновацион салоҳиятни структуралашнинг дастлабки босқичи(кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш) асослаб ўтилади. Бундан шундай хуносага келишимиз мумкинки, автомобиль транспорт хизмати кўрсатишда инновацион салоҳиятини амалга ошириш механизми, авваламбор унинг инновацион хоссаларини аниқлашга ва инновацион салоҳиятнинг энг юқори ўзгарувчанлигини белгилашга асосланади.

Автомобиль

транспорти корхоналарининг транспорт хизматларини кўрсатиш салоҳияти хусусан унинг инновацион салоҳияти билан боғлиқ бўлиб, хизмат кўрсатишда (транспорт воситалари, техника ва технологиялар, ёқилғи ва материаллар, меҳнат ресурслари) хусусий ёки четдан киритилган инновацияларни ишлаб чиқиши, жорий қилиш ва фойдаланишнинг умумий қобилияти тушинилади.

У ўз навбатида қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ:

- транспорт хизмати кўрсатиш жараёнининг инновациялар сигими ва тарқалишига боғлиқлиги;
- транспорт хизматини кўрсатиш тизимида инновацион салоҳиятнинг ўзгариши.


Транспорт хизмати кўрсатиш тизимининг инновацион хусусиятларини аниқлашга ёндашув инновацияларнинг хизмат кўрсатиш тизимларига таъсирини баҳолашдан иборат бўлиб, унинг натижасида инновация учун очиқлик ва ёпиқлик хоссалари аниқланиши мумкин.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш механизми эса таркибан қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- ФОЯ - инновацион салоҳиятни шакллантириш;
- ташиш жараёнида инновацияларни қўллаш ва шу билан биргаликда инновацион салоҳиятни шакллантириш;
- жадалаштириш-инновацион салоҳиятни ривожлантириш.

Корхона фаолияти жараёнида инновацион мувозанатга эришиш муҳим масала ҳисобланади. Бунда автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятни ўстириш (ёки ўстиришдан воз кечиш) ҳақидаги қарор қабул қилинади. Қарор инновацион салоҳият етарлилигига асосланиб, кўзланган натижага энг оқилона инновацион ресурслар ҳажми ва таркиби билан эришишни назарда тутади.

Инновацион салоҳият ҳам бошқа иқтисодий категорияларга хос бўлган миқдорий кўрсаткичлар билан иш кўради ва ушбу кўрсаткичлар миқдори маълум бир усуллар ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади, яъни уларнинг ўлчови амалга оширилади. Фикримизча, инновацион салоҳиятнинг умумий баҳоси унинг таркибий компонентлари – кадрлар, ишлаб чиқариш ва инвестицион салоҳиятларнинг умумий йифиндисидан иборат бўлади (1-расм).



### 1-расм. Автомобиль транспорти корхоналарида инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг таркибий элементлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Автомобиль транспорти корхоналари инновацион салоҳиятини ўлчаш нафақат ундан фойдаланиш натижаларини олишга, балки инновацион салоҳиятнинг ҳам, корхона таркибий тузилмасининг ҳам ўзгариш вақтини баҳолашга асосланади.

Корхонанинг *кадрлар салоҳияти*дан фойдаланиш - истемолчилик хоҳиш истагини, маҳсулдор ва технологик инновацияларни таҳлил қилишга ва башорат қилишга, ғояларни танлаб олишга; бевосита корхонада фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажаришга; бошқа корхона ва ташкилотлар хизмати учун сарфланган харажатлар билан баҳоланади.

*Ишлаб чиқариш салоҳияти*дан фойдаланиш - янги транспорт воситалари ва технологик ускуналар сотиб олиш ёки ижарага олишга кетадиган харажатлар билан боғлиқдир.

*Инвестицион салоҳиятни фойдаланиши* - интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга; хизмат кўрсатиш ва транспорт инновацион маҳсулотни стандартлаш ва сертификатлашга; инновацион маҳсулотни ёки инновацион технологиядан фойдаланиб транспорт хизматини кўрсатишга сарфланадиган харажатлар ҳисобга олинади.

Юқоридаги уч ҳолатдан келиб чиқиб автомобиль транспорти корхоналарида инновацион салоҳият ўлчовининг кўрсаткичлари сифатида қўйидагилар таклиф этилади. Бунда ўлчов бирлиги *коэффициент, фоиз ёки сўм кўринишда* ифода этиш мумкин.

#### 1. Инновацион захира:

$$IR = IP - IV \quad (1)$$

Бу ерда IR - инновацион захира; IP - инновацион салоҳият; IV - инновацион имкониятлар.

#### 2. Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳияти:

$$IP = KP + PP + JP \quad (2)$$

Бу ерда КР, РР, ЙР - кадрлар, ишлаб чиқариш, инвестицион салоҳиятларири. Бундан келиб чиқиб инновацион захира қуйидаги кўринишни ўз ичига олади:

$$IR = (KP - KV) + (PP - PV) + (JP - JV) \quad (3)$$

Бу ерда **KV, PV, JV** мос равишда кадрлар, ишлаб чиқариш, инвестицион имкониятлар (корхонанинг инновацион захираси катталиги ва кадрлар, ишлаб чиқариш ва инвестицион захиралар йиғиндиси билан аниқланади).

### **3. Автомобиль транспорти корхоналарининг инновацион салоҳиятнинг реал даражаси:**

$$IP_R = IP_{MAX} + IP_{Pi} \quad (4)$$

Бу ерда **IP<sub>R</sub>** - автомобиль транспорти корхонаси инновацион салоҳиятининг реал даражаси; **IP<sub>MAX</sub>** - инновацион салоҳиятнинг мумкин бўлган даражаси; **IP<sub>Pi</sub>** - автомобиль транспорти корхонасининг аниқ инновацион лойиҳаларини амалга ошириш салоҳияти; i-аниқ инновацион мақсадларга эришган инновацион лойиҳалар миқдори.

### **4. Автомобиль транспорти корхоналарида инновацион салоҳиятдан фойдаланиш коэффициенти:**

$$K_I = IP_R / IP_{MAX} \leq 1. \quad (5)$$

Корхона доирасида инновацион лойиҳалар йиғиндисини амалга ошириш омилларини ҳисобга олган ҳолда инновацион салоҳиятдан фойдаланиш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$K_I = (IP_{P1} + IP_{P2} + IP_{Pi}) / IP_{MAX} \quad (6)$$

Бу ерда **IP<sub>P1</sub>, IP<sub>P2</sub>, ..., IP<sub>Pi</sub>** корхонанинг қўйилган мақсадларига эришган ёки тугалланган инновацион лойиҳаларнинг натижасидан яратилган салоҳияти.

Таъкидлаш муҳимки, автомобиль транспорти корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашга бундай ёндашув маълум бир худуд доирасида ҳам транспорт тармоғининг инновацион салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Автомобиль транспорти корхоналарида инновацион салоҳиятини ривожлантириш унинг дастлабки ҳолати мақсадига йўналтирилган ўзгаришлари йиғиндисидан иборатдир. Маълум вақт мобайнида кадрлар, ишлаб чиқариш ва инвестицион салоҳиятлардан фойдаланиш у ёки бу инновация кўринишда натижада олишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион салоҳиятни баҳолаш корхона ривожланишининг танланган стратегик йўналишларига мос келувчи лойиҳаларни иқтисодий баҳолашга асос бўлади. Уни ривожлантиришининг ягона стратегияси доирасида инновацион лойиҳаларни бошқариш, марказлаштириш, инновацияларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш, фойдаланиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кадрлар, ишлаб чиқариш ва инвестицион ресурсларни оптималлаштириш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 3 май.

2. Кочетков С.В. Управление развитием инновационного промышленных предприятий: Дисс. док.экон. наук – Санкт-Петербург: 2011. – 72 с.
3. Қодиров Т.У. “Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иктисодий механизмлар” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган монографияси.–Т.: Тошкент Автомобиль Йўллар Институти, 2014. – Б. 241.